

35 Ягона Ватан,  
ягона халқ, бўлиб,  
янги ҳаёт ва  
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 22 (1590)

2026-YIL 5-IYUN, JUMA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolat

**Робохон МАХМУДОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Сиёсий Кенгаши раиси

Азиз юртдошлар!

Қадрли бизни қўллаб-қувватлаган дўстлар!  
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикаимиз бўйлаб ўтказилган "Бор меҳримиз сенга, болажон!" беғараз донорлик акциясининг 3 куни ҳам ҳар жиҳатдан самарали ва юқори даражада ўтди.

1–3 июнь кунлари соат 09:00 дан 16:00 га қадар Республика қон қуйиш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ташкил этилган эзгу акция халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Кувонарлиси, уч кун давомида акцияда 8 825 нафар кўнгилли иштирок этди. Улардан 5 936 нафари беғараз донорлик қилиб, бемор болажонлар саломатлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Натижада 2 775 литр қон захирасини жамғаришга эришдик!

Бу рақамлар ортида, аввало, инсон ҳаётига дахлдор улкан эзгулик, минглаб оилалар қалбига умид бағишлаш, хасталик билан курашаётган болажонларга ҳаёт ва саломатлик улашишдек олийжаноб мақсад мужассам.

Шу муносабат билан акцияни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда яқиндан кўмаклашган барча ҳамкор ташкилотларга, Республика қон қуйиш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига, тиббиёт соҳаси вакилларига, партиямиз фаоллари, депутатлар, кўнгиллилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларига самимий миннатдорлик билдираимиз.

Айниқса, ўз вақти, меҳри ва саховатини аямаган, болалар саломатлигига бефарқ бўлмайдиган фаол иштирок этган барча юртдошларимизга алоҳида ташаккур изҳор этаимиз.

Сизларнинг эзгу амалингиз қўллаб бемор болажонлар ҳаётини сақлаб қолишга, уларнинг оилаларига ишонч ва умид бағишлашга хизмат қилади.

"Адолат" партияси учун инсон қадрли, айниқса, болалар саломатлиги ва уларнинг бахтли келажаги доимо устувор аҳамиятга эга. Шу боис биз бундан кейин ҳам айни шундай инсонпарварлик тадбирларини изчил давом эттираимиз.

Келгусида Республика қон қуйиш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда махсус мобил бригадалар орқали давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар ҳамда ҳудудларга чиқиб, кўчма қон йиғиш ишларини ташкил этишни режалаштирганмиз.

Ишонамизки, эзгулик йўлидаги бундай хайрли ташаббуслар жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва ижтимоий масъулият муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Зеро, бир томчи қон — кимгадир ҳаёт, бир оиллага умид, бутун жамиятга эса инсонпарварлик сабоғидир.

**ADOLAT**  
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

1–3 ИЮНЬ

**БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА,  
болажон!**



**8 825**  
нафар

кўнгилли иштирок этди



**5 936**  
нафар

кўнгилли донорлик қилди



**2 775**  
литр

қон захираси жамғарилди



**БИР ТОМЧИ ҚОН –  
КИМГАДИР ҲАЁТ,  
БИР ОИЛАГА УМИД!**

## МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМИЗ!



Акцияни юқори савияда ташкил этишда кўмаклашган барча ҳамкор ташкилотларга



Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига, тиббиёт соҳаси вакилларига



Партияимиз аъзоларига, депутатлар ва кўнгиллиларга, оммавий ахборот воситалари вакилларига



Эзгулик йўлида бирлашган, болалар саломатлигига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизга **алоҳида ташаккур!**



Келгусида махсус мобил бригадалар орқали давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар ҳамда ҳудудларга чиқиб, кўчма қон йиғиш ишларини давом эттирамиз.

"Адолат" социал-демократик партияси бу каби инсонпарварлик тадбирларини изчил давом эттиради.

## ЭЗГУЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК УЧУН МИННАТДОРМИЗ!



2-3

### МАҚСАД — МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИБ, УЛАРГА АДОЛАТЛИ ВА ТЕЗКОР ЕЧИМ ТОПИШ

Депутат томонидан муассасага қарашли ётоқхона жиддий таъмирга муҳтож эканлиги қайд этилди. Канализация тизими ишдан чиққан, жиҳозлар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, янгилашни талаб этмоқда. Учрашув давомида аниқланган муаммо ва камчиликлар депутат назоратига олинди.



4

### МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ қўллаб-қувватлашнинг янги босқичи

Бугунги кунда дунёда иқтисодий ва сиёсий рақобат билан бир қаторда маънавий таъсир учун ҳам кураш кучаймоқда. Ахборот оқимлари, ижтимоий тармоқлар ва турли мафқуравий таъсирлар шароитида халқнинг маънавий таянчи бўлган адабиёт, театр, кино ва мусиқанинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари маданият ва санъатни жамият тараққиётининг муҳим омилли сифатида баҳоламоқда.

6

### ЕВРОПА журналист НИГОҲИДА



Мен у ердан бир муҳим хулоса билан қайтдим: ривожланган мамлакатлар, аввало, ривожланган оdatлардан, меҳнатга муносабатдан ва жамиятдаги ўзаро ишончдан бошланар экан. Тартиб, вақтни қадрлаш, таълимга эътибор, маданиятга муҳаббат — булар катта шиорлар эмас, балки ҳар куни такрорланган оддий оdatларга айланиши лозим.

5

# МУРУВВАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ УЛУҒЛАГАН АКЦИЯ

Донорлик – юксак инсонпарварлик ва олий саховат намунасидир. Айниқса, бу хайрли амал болажонлар ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга хизмат қилса, унинг қадри ва аҳамияти янада ортади.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Республика қон қуйиш марказида ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган хайрли тадбир – “Бор меҳримиз сenga, болажон!” шиори остидаги беғараз донорлик акциясига старт берилди.

“Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур акцияда бу йил ҳам партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова бошчилигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – партия фракцияси аъзолари шахсий намуна кўрсатишди.

Тадбир иштирокчилари билан мулоқот қилган партия етакчиси акциянинг ижтимоий ва маънавий аҳамиятига алоҳида тўхталибди.

– Ҳар бир бола – миллатимиз келажаги, юртимиз эртанги тараққиётининг таянчидир. Буёун турли хасталиклар билан курашаётган, қонга эҳтиёж сезаётган болажонларга ёрдам қўлини чўзиш ҳар биримизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир, – деди партия етакчиси. – Донорлик – нафақат тиббий эҳтиёжни қондириш, балки меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва юксак масъулият туйғусининг амалий ифодасидир. Агар ҳар бир юртдошимиз ушбу хайрли ҳаракатга ўз ҳиссасини қўйса, бемор болаларнинг ҳаёти сақлаб қолиниши, уларнинг оилаларига умид ва қувонч қайтиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бундай акциялар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват қадриятларини мустақамлашга хизмат қилмоқда. Партия аъзолари, депутатлар ва фаолларнинг ташаббуси кенг жамоатчиликни ҳам эзгулик ва саховат ишларида фаол иштирок этишга ундади.

Қувонарлиси, бу йилги акция ҳам кенг жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фаол қўллаб-қувватланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фаёқуллода вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзгросуғурта” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ каби қатор ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари ушбу эзгу ташаббусда шахсий намуна кўрсатишди.

Шунингдек, акциянинг республика миқёсида юқори савияда, санитария-гигиена талаблари ва тиббий хавфсизлик қоидалари асосида ўтишида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизими ходимларининг ҳам ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқ. Уларнинг амалий кўмаги акция иштирокчилари учун қулай ва хавфсиз муҳит яратишга, эзгу ташаббуснинг уюшқоқлик билан ўтказилишига хизмат қилди.



## МЕҲР-ОҚИБАТ САХОВАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ НАМОЁН БЎЛДИ



Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати, партиянинг Олмалиқ шаҳар кенгаши, томонидан “Олмалиқ КМК” АЖ, Ёшлар иттифоқи ҳамда Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши ҳамкорлигида “Бор меҳримиз сenga, болажон!” шиори остида хайрия донорлик акцияси ташкил этилди.

Мазкур эзгу тадбирдан қўланган асосий мақсад – тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болажонларни қўллаб-қувватлаш, оғир хасталиклар билан курашаётган бемор болалар ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўиши, аҳоли ўртасида кўнгилли донорлик маданиятини кенг тарғиб этиш ҳамда жамиятда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат ғояларини мустақамлашдан иборат.

Акцияда “Олмалиқ КМК” АЖнинг 200 нафарга яқин ишчи-ҳодимлари, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматчилар кўнгилли донор сифатида фаол иштирок этдилар.

Эътиборлиси, ушбу хайрли ташаббус натижасида Олмалиқ шаҳри Тошкент вилояти бўйича энг кўп қон захираси йиғилган ҳудудлардан бирига айланди. Бу эса ОКМК жамоасининг ижтимоий масъулияти, фаол фуқаролик позицияси ва инсон ҳаётига дахлдорлик ҳисси юксак эканини яна бир бор намоён этди.

Акцияда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робахон Махмудова ҳамда партия фаоллари иштирок этиб, донорлар билан мулоқот қилдилар.

Партия раҳбари акциянинг ижтимоий аҳамиятига тўхталиб, донорлик инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва фуқаролик масъулиятининг амалий ифодаси эканини таъкидлади.

– Ҳар бир бола – жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги, мамлакатимиз келажагининг ишончли давомчидир. Хасталик билан курашаётган, қонга муҳтож болажонларга ёрдам қўлини



чўзиш, аввало, инсонлик бурчи, қолгавери, жамият олдидаги юксак масъулият ифодасидир. “Бор меҳримиз сenga, болажон!” акцияси орқали биз юртдошларимизни эзгу мақсад йўлида бирлаштириш, донорлик маданиятини кенг тарғиб этиш ва бемор болажонлар ҳаётини сақлаб қолишга муносиб ҳисса қўишини мақсад қилганмиз. Буёун ОКМК жамоаси, ёшлар, хотин-қизлар ва кўнгилли донорларнинг фаол иштироки халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжихатлик фазилатлари бардавом эканини яна бир бор намоён этмоқда, – деди партия етакчиси.

Ўзбекистон “Адолат” СДП “Бор меҳримиз сenga, болажон!” акциясини қўллаб-қувватлаб, унда фаол иштирок этган “Олмалиқ КМК” АЖ раҳбарияти ва жамоасига, Ёшлар иттифоқи ҳамда Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаолларига, шунингдек, барча кўнгилли донорларга миннатдорлик билдиради.

## АКЦИЯ ДОИРАСИДА КЎЧМА ҚОН ЙИГИШ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Республика қон қуйиш маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида махсус мобил бригада орқали кўчма қон йиғиш тадбири ташкил этилди.

“Бор меҳримиз сenga, болажон!” шиори остида ўтказилаётган беғараз донорлик акцияси доирасида ташкил этилган мазкур хайрли тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари фаол иштирок этиб, бемор болажонлар саломатлиги йўлида эзгу ташаббусга ўз ҳиссаларини қўшидилар.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳаётини асраб қолиш, айниқса, қонга муҳтож болаларга кўмак бериш халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжихатлик каби эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир. Шу маънода, партия томонидан йўлга қўйилган ушбу донорлик ҳаракати жамиятда ижтимоий

масъулиятни кучайтириш, инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш ҳамда аҳолини хайрли ишларга жалб қилишга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова бошчилигидаги партия фаоллари Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Хусусан, идорада ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, ҳос китоб фондига эга кутубхона, шунингдек, идора фаолиятини ёритиш, маънавий-маърифий кўрсатувларни тайёрлаш ва тасвирга олишга хизмат қилаётган замонавий медиа студияда

амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашув давомида маънавият, маърифат, ижтимоий ҳамжихатлик ва инсонпарварлик қадриятларини мустақамлаш йўлида ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини ривожлантириш ва эзгу ташаббусларни кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги ишлар давомий бўлиши қайд этилди.

“Адолат” социал-демократик партияси бундай инсонпарварлик тадбирларини изчил давом эттириб, Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлиmlари билан ҳамкорликда давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар ҳамда ҳудудларда кўчма қон йиғиш ишларини мунтазам ташкил этишни режалаштирган.



## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ИФОДАСИ

“Адолат” СДП ташаббуси билан ўтказилаётган “Бор меҳримиз сenga, болажон!” беғараз донорлик акцияси доирасида партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова бошчилигидаги фаоллар пойтахтимиздаги Болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб, у ерда даволанаётган болажонлар ҳолидан хабар олишди.

Бугунги кунда марказда 220 нафар бола шифо олмақда. Партиядошларимиз бемор болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, даволаниш жараёни ва яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан бемор болажонларга партия томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда беғараз донорлик акцияси доирасида жамғирилган қон маҳсулотлари тиббиёт марказида даволанаётган бемор болажонлар эҳтиёжи учун бепул йўналтирилиши маълум қилинди. Бу ташаббус оғир касалликлар билан курашаётган болаларнинг соғайишига кўмаклашишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир боланинг соғлом улғайиши, бахтли келажаги ва ҳаётга ишончи жамиятимиз учун бебаҳо қадриятдир.

Шу билан бирга, 1–3 июнь кунлари республикамиз бўйлаб кенг қўламада ташкил этилган беғараз донорлик акциясининг мантиқий давоми сифатида ҳозирда Республика қон қуйиш маркази билан ҳамкорликда махсус мобил бригада орқали давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар ҳамда ҳудудларда кўчма қон йиғиш тадбирлари йўлга қўйилаётгани таъкидланди.

“Адолат” социал-демократик партияси бундан кейин ҳам болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ора-



сида беғараз донорлик маданиятини кенг тарғиб этиш, инсонпарварлик ва ижтимоий масъулият ғояларини амалда қарор топтиришга қаратилган хайрли ташаббусларни изчил давом эттиради.

Зеро, болажонларга кўрсатилган меҳр, эътибор ва ҳар бир эзгу амал – эртанги кун, инсон қадри ва адолатли жамият барпо этиш йўлидаги ишончга қўшилган муносиб ҳиссадир.



Яхшилик, эзгулик инсон сийрати ва сувратини безайди. Айниқса, бу бегараз кўмак кимнингдир ҳаётини сақлаб қолшдек олийжаноб мақсад билан йўғрилган бўлса, унинг қадр-қиммати янада юксалади. Бугун биз тезкор ва шиддатли асрда яшашимиз: техника ривожланмоқда, тиббиёт мисли кўрилмаган чўққиларни забт этипти. Бироқ инсоният қанчалик ютуқларга эришмасин, ҳали-ҳануз лабораторияларда сунъий равишда яратиб бўлмайдиган, фақат ва фақат инсон танасида оқиб турадиган бир мўъжиза бор. Бу – ҳаётбахш қондир. Баъзан ана шу ҳаёт томчиси кимнингдир яқини, бошқа бировнинг ҳали орзулари бир олам болажони яшаб қолиши учун ягона умидга айланади.

Айнан шундай юксак маънавий қадриятларни жамият ҳаётига синдириш, бегараз ёрдам ва ижтимоий бирдамлик муҳитини янада кучайтириш мақсадида "Адолат" СДП ўзининг анъанавий эзгу ташаббуси – "Бор меҳримиз сенга, болажон!" хайрия донорлик акциясини бу йил ҳам катта кўтаринкилик ва янада кенг қамров билан ўтказди. Хайрли тадбирлар лойиҳанинг доимий ҳамкори – Республика қон кўйиш маркази ҳамда унинг барча ҳудудий филиалларида 1-3 июнь кунлари юқори савияда ташкил этилди.



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.**

Андижонликлар бағрикенг, меҳр-оқибатли ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Халқроқ болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабатли билан вилоят қон кўйиш маркази ўзига ҳос инсонпарварлик ва саломатлик байрами масканга айланди. Болажонларни чин дилдан севувчи юзлаб кўнгиллари шифохона тўшади соғайиш умиди билан ётган бемор болажонларнинг соғлом ҳаётга қайтаришдек эзгу ташаббус атрафида бирлашдилар. Маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, шижоатли ёшлар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари акцияда юксак фўқаролик масъулиятини намойиш этишди.

– Болаларга чексиз меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига, миллий ўзлигига сингиб кетган энг олий қадриятдир, – дейди халқ депутатлари Андижон тумани кенгаши депутати Абдуғаффор Қаримов. – Айниқса, бемор болаларнинг тиббий муолажалари учун кўмак бериш, уларнинг тезроқ оёққа туришига ҳисса қўлиши – улугъ савоб. "Адолат" СДП томонидан ҳар йили анъанавий тарзда шу мақсадда акция ўтказилаётганини кўллаб-қувватлайман. Ахир бемор бўлиб турган ўша гўдақлар – барчамиз, миллатимизнинг фарзандларидир. Шу сабабли, уларнинг порлоқ келажоғи учун масъулиятни ҳис қилган ҳолда, биринчилар қаторида қон топширишни ўз бурчим, деб билим.

– Донорлик акцияси олдидан аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтуриш ва тарғибот ишларини олиб бордик, – дейди Жалакудук тумани кенгаши раиси Барноҳон Бозорова. – Биз топширадиган қон компонентлари оғир хасталик билан курашаётган гўдақларга қайта ҳаёт ва умид бағишлашни қалбдан ҳис қилган юртдошларимиз ихтиёрий равишда савобимизга қўшилдилар. Қувончлисиз, донорлар орасида аввалги йиллардаги акцияларда ҳам фаол қатнашган инсон доимий ҳамкорларимиз кўпчилиги ташкил этилди. Қолаверса, сўғимиздаги тажрибали шифокорлар донорлик фақат беморларга ёрдам бўлиб қолмай, балки донорнинг ўз соғлиғи, қон айланishi ва янгилигани тизими учун ҳам жуда фойдали эканини ишми асослаб, кўпчилида ишонч уйғотдилар.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** Донорлик инсонпарварлигининг энг юксак кўринишларидан бири бўлиб, миллатга инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, вазни 50 килограмдан ортиқ, ўзини соғлом, деб билган ҳам бир фўқаро донор бўлиши мумкин. Маълумотларга кўра, инсон организмиде ўртача 4,5-5 литр қон мавжуд бўлиб, кўп йиллик илмий тадқиқотлар 500 миллилитр гача қон топшириш организм учун мутлақо хавфсиз эканлигини тасдиқлаган. Ҳар бир донорлик жараёнида одатда 350-400 миллилитр қон олинади.

"Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши ташкил этган "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остидаги донорлик хайрия акцияси бу гал ҳам юқори фаоллик ва кўтаринки руҳда давом этди. Унда ҳудудий кенгаш раисининг аёллар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Шаҳноза Пулатова, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутатлари Марҳабба Пардаева ҳамда Гулчехра Раваҳона, шунингдек, Бухоро давлат университети талаба-ёшлари, университет доцентлари, социология фанлари бўйича фалсафа доктори Азизбек Амонов ва бошқа кўпжа фидойи юртдошлар фаол иштирок этиб, бемор болажонларнинг саломатлигини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Акциянинг биринчи куниде 250 нафар кўнгилли иштирок этди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, 197 нафар

донор қон топширишга йўналтирилди ва улардан жами 68,95 литр қон олинди. Мазкур қон захираси турли хасталиклар сабаб даволанаётган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолш ва саломатлигини тиклашга хизмат қилади. Шу билан бирга, эзгулик, ҳамжихатлик ва инсонпарварлик фазилатларини янада мустаҳкамлаб, жамиятда меҳр-оқибат ва саховат муҳитини кенг тарғиб этишга йўл очди.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Болалар – миллат келажоғи, юрт эртаси ва ҳаётимизнинг энг беғубор қувончидир. Уларнинг соғлом ва бахтли ўсиши, муносиб таълим-тарбия олиши ҳамда ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши давлатимиз сивасатининг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, оғир хасталикларга қарши курашаётган болаларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга ҳисса қўиши эзгуликнинг юксак кўринишидир.

Мазкур хайрия тадбири онкология клиникаларида даволанаётган ҳамда қон маҳсулотларига эҳтиёжи юқори бўлган болаларни кўллаб-қувватлашга қаратилган. Партиянинг Жиззах вилояти кенгаши томонидан ҳудудий қон кўйиш марказида ташкил этилган акция тадбирлари кўтаринки руҳда давом этди. Унда партия фаоллари, кўнгилли донорлар инсонпарварлик ва ҳамжихатликнинг юксак намунасини намоеён қилишди. Хусусан, тадбирда Жиззах вилояти судлари ходимлари, Ички ишлар бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, қон топширдилар.

**ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ.** Тиббий ва ижтимоий кўмакка муҳтож, оғир хасталик чалинган болаларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга кўмаклашиш ҳамда жамиятда инсонпарварлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳамжихатлик ғояларини кенг тарғиб этишга қаратилган акция воҳода кенг қулоч ёзди. Вилоят қон кўйиш марказида ташкил этилган тадбирда Ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Қарши темир йўли узели меҳнат жамоаси вакиллари ҳамда кўпжа кўнгилли фўқаролар ихтиёрий равишда қон топширдилар.

– Аҳоли ўртасида донорлик ҳаракатини ривожлантиришимиз, – дейди "Адолат" СДП Қашқадарэ вилояти кенгаши раиси Руиқдод Раупов. – Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилаётган бундай тадбирлар жамиятда инсон қадрини улуғлаш тамойилига тўла мўса келди. Халқроқ тиббий таъсилларга кўра, ҳар бир давлат аҳолисиде кўнға бўлган талабни тўлиқ қоплаш учун ҳар мина нафар кишига камиде 30 нафар доимий донор тўғри келиши лозим. Қон компонентлари билан таъминлаш бўйича эса мина нафарга 10 нафар, яъни аҳолининг камиде 1 фойизи доимий равишда донорлик амалиётида иштирок этиши талаб этилади.

Акция вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳам тизимли тарзда давом этирилди. Хусусан, лойиҳанинг учинчи куниде Ғузор туман қон кўйиш бўлимида маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман ҳокимлиги ходимлари, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва фаол ёшлар иштирокида тадбир ташкил этилди. Жараёнларда мутахассислар томонидан донорлигининг инсон организмиде учун фойдали хусусиятлари, касалликларнинг олдини олишдаги аҳамияти ҳамда қон топширишнинг тиббий тартиб-қоидалари хусусида тушунтуриш ишлари олиб борилди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Бегараз донорлик акцияси Қоқалпоғистонда ҳам юксак инсонпарварлик руҳида ўтди.

Уч кун давом этган хайрия тадбири

давомиде ҳудуднинг турли соҳа вакиллари – Қоқалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва туман ҳамда шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари, шифокорлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда давлат хизматчилари фаол иштирок этиб, муҳтож болаларга бегараз ёрдам кўрсатиш ташаббусини кўллаб-қувватлади. Акция доирасида топширилган қон захиралари оғир хасталиклар билан курашаётган болаларни даволлаш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш ҳамда шижоатли тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бундай ёндашув халқимизнинг эзгу ташаббусларга бефарқ эмаслиги ҳамда жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат тамойиллари тобора мустаҳкамлашиб бораётганини кўрсатади. Акция иштирокчилари бундай ташаббуслар жамиятда ижтимоий бирдамликни кучайтириш, болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ҳар бир топширилган қон томчиси эса оғир аҳволдаги болажонлар учун умид бахш этувчи эзгу амал сифатида баҳоланди.

**НАВОЙИ ВИЛОЯТИ.** Донорлик – инсонпарварлигининг олий кўриниши. "Адолат" СДП мамлакатимизда инсонпарварлик, саховат ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб этишга қаратилган хайрли тадбирлари орасида "Бор меҳримиз сенга, болажон!" акцияси бугун кенг жамоатчиликка яхши таниш. Ҳудудий қон кўйиш марказида ташкил этилган тадбирга вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда "Навоий-азот" АЖ раҳбар-ҳодимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари тақлиф этилди. Акция давомиде кўп йиллик донорлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

– Йигирма бир йилдан буён донорлик қилш келаман, – дейди "Навоий" ЭИЗ ҳудудидаги "БЕНКАМ" заводи ходими Азизбек Ибрагимов. – Илк бор укам автохалокатга учраганида қон топширганман. Кейинчалик донорликнинг инсон саломатлиғи ва бошқалар ҳаёти учун нақадар муҳим эканлигини англаб етдим. Шу боис, ҳар йили мунтазам равишда қон топшираман.

Тадбир иштирокчилари бемор болажонларга ҳаёт бағишлаш ва уларнинг соғайишига ҳисса қўиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини таъкидлаб, бундай хайрли акцияда доимий иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар. Эътиборлиси, акцияда иштирок этаётган кўллаб кўнгиллари кейинчалик доимий донорлар сафига қўшилмоқда. Бу эса мамлакатимизда бегараз донорлик маданиятини ривожлантириш ва оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ.** Давлатобод туманида жойлашган вилоят қон кўйиш марказида старт олган ижтимоий лойиҳани юқори савияда ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда партиянинг вилоят ҳамда туман-шаҳар кенгашлари масъуллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллари жонбозлик кўрсатдилар. Тадбир аввалида "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раиси Исроилжон Жўраев сўзга чиқиб, мазкур хайрия акциясининг жамият ҳаётидаги ва тиббиёт тизимидаги юксак ижтимоий-инсонпарварлик аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

У ўз нутқида бемор болажонлар саломатлигини тиклашга кўмаклашиш ҳар бир ватандошимизнинг виждоний бурчи эканлигини, партия томонидан ташкил этилаётган бу каби бегараз лойиҳалар аҳоли ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Шунингдек, воҳа қилини, айниқса, фаол ёшларни инсон ҳаётини сақлаб қолишдек эзгу ва савобли эзгу доимий равишда ташаббускор бўлишга чақирди.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Бир неча йиллардан буён партия ташаббуси ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар кўмағида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу хайрия тадбиридан кўзланган асосий мақсад – аҳоли, айниқса, ёш авлодининг донорлик маданиятини юксалтириш, жамиятда инсонпарварлик ва саховат тамойилларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларида даволанаётган оғир хасталикка чалинган, хусусан, онкогематология қон касалликлари билан курашаётган болажонларни ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётини бошдан кечираётган беморларни зарур қон захираси билан таъминлашдан иборат.

Самарқанд вилоятидаги тадбирларда фаол ёшлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакиллари юксак ижтимоий масъулият ва инсон ҳаётига дахлдорлик туғйусини намоеён этидилар. Самарқанд давлат тиббиёт университети талабалари, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси фаоллари, партия аъзолари ҳамда юзлаб кўнгилли ёшлар донор бўлишди. Дастлаб бегараз донорлигининг инсон организмиде учун фойдали хусусиятлари ва унинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-тиббий аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

400 нафарга яқин кўнгилли донорлар томонидан ихтиёрий равишда қон топширилди, шифохоналарда даволанаётган юзлаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва соғлигини тиклаш учун муносиб ҳисса қўшилди. Бу саъй-ҳаракатлар соғлиқни сақлаш тизимини кўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик қадрият-



ларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ**да замонавий андозалар асосида янгиланган Қон кўйиш марказида илк йирки хайрия тадбири – "Бор меҳримиз сенга, болажон!"



шиори остида донорлик акцияси ташкил этилди. Акциянинг дастлабки куниде вилоятнинг турли тизим ва идоралари ҳодимлари юқори фаоллик кўрсатишди. Жумладан, Гулистон тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими, "Ҳудудий электр тармоқлари" корхонаси ходимлари, Мудофаа вазирлиги тасарруфидеги Ширин шаҳри ва Сирдарэ туманида жойлашган ҳарбий қисмларнинг шахсий таркиби шулар жумласидан.

Хайрия акциясининг иккинчи куниде Сирдарэ тумани ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда давом этди. Мазкур инсонпарварлик ҳаракатида соҳа мутахассислари билан бир қаторда ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Анвар Сафаров ҳамда "Адолат" СДП Сирдарэ вилояти кенгаши масъуллари ҳам қатнашди.

Ҳарбий хизматчиларга қулайлик яратиш мақсадида жараёнда махсус ҳиҳозланган кўмак қон топшириш автобуси жалб этилди. Ушбу мобил мажмуа ёрдамда ҳарбий хизматчилар донорлик акциясида уюшқоқлик билан иштирок этиб, қон ва унинг компонентларига муҳтож бўлган беморлар ҳамда болажонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ёрдам қўлини чўздилар.

**СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ.** Инсон ҳаётини сақлаб қолиш, беморларга умид бағишлаш ва жамиятда меҳр-оқибат ҳамда ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда қон донорлигининг ўрни беқиёс. Ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, аҳоли ўртасида донорлик маданиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда эҳтиёжманд беморларни қон маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Сурхондарэ вилоят қон кўйиш марказида кенг қамровли донорлик акцияси ўтказилди.

Акцияда Ички ишлар органлари ходимлари, Термиз шаҳар ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари ҳамда кўнгилли донорлар фаол иштирок этиб, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида муносиб ҳисса қўшилди. – Қон топшириш орқали кўнғинидир ҳаётини сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлиши инсонга алоҳида мамнуният бағишлайди, – дейди ҳарбий хизматчи Шожалол Рустамов. – Балки бу қон оғир аҳволда беморга, жарроҳлик амалиётини кутаётган инсонга ёки шошилч тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фўқарога керак бўлар. Шу боис ҳар бир соғлом инсонни имкониятдан келиб чиққан ҳолда донорлик ҳаракатида фаол иштирок этишга чақираман. Эзгулик қилиш учун катта имконият шарт эмас, баъзан бир неча дақиқалик вақт ва бир неча томчи қон кимнидир тақдирини ўзгартариши мумкин.

Тадбир сўнгиде ташкилотчилар донорлик акциясида фаол қатнашган барча иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, бундай эзгу ташаббуслар келгусида ҳам изчил давом этирилишини таъкидладилар.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Партиянинг Тошкент вилояти кенгаши ҳудудий қон кўйиш марказида ўтказган тадбир юзлаб фидойи инсонларни бир мақсад – бемор болаларга ёрдам бериш йўлида бирлаштирди. Акцияда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, ёшлар ҳамда кўнгилли фўқаролар фаол иштирок этидилар. Тадбир давомиде қон топшириш учун келган фўқароларнинг кўпчилиги юртимизда меҳр-оқибат ва саховат туғйуларни юксак эканини яна бир бор намоеён қилди. Ҳар бир донорнинг эзгу нияти ортида кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш, бемор болаларга умид бағишлаш истаги мужассам эди.

– Нурафшон шаҳар ёшлари ушбу акцияда катта қизиқиш билан иштирок этди, – дейди Ёшлар ишлари

**агентлиги шаҳар бўлими раҳбари Мирқорим Аҳмаджонов.** – Донорлик орқали биз нафақат бемор болаларга ёрдам берамиз, балки жамиятда инсонпарварлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшамиз.

матов мавжуд ҳолат ва донорлигининг аҳамияти ҳақида шундай деди: "Бугунги кунда вилоятимизда 2-3 мине нафар бемор доимий равишда қон ва қон препаратлариға эҳтиёж сезади. Шунингдек, турли фавқулодда ҳолатлар, йўл-транспорт ҳодалари ва бошқа қутулмаган вазиятларда ҳам қонға бўлган талаб юқори бўлади. Донорлик акциялари ана шундай пайтларда инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади".

Ана шундай муҳим вазифани аниқланган ҳолда, вилоятдаги давлат идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари акцияга уюшқоқлик билан қўшилдилар. Жумладан, Фарғона вилояти Адлия бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар адлия бўлиmlарининг 30 нафар ходими хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Вилоят Қон кўйиш марказининг сайёр бригадаси бевосита бошқарма биносига бориб, ходимлардан бегараз қон қабул қилди.

Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам партиянинг инсонпарварлик давлатига муносиб жавоб бердилар. Вилоят ИИБ ЙХҲБ Пост-патруль хизмати сафида хизмат қилаётган 100 дан ортиқ ходимлар донорлик тадбирида шахсий таркиби билан фаол қатнашиб, ўз бурчларини амалий ижро билан намойиш этидилар. Мазкур хайрия акцияси вилоят маркази билан чекланиб қолмай, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам кенг кўлаmda давом этирилди. Хусусан, Қўқон шаҳар қон кўйиш бўлимида ташкил этилган жараёнларда Қўқон шаҳри, Данғара, Бешариқ, Фўқат ва Ўзбекистон туманларидан сайланган депутатлар, маҳаллий кенгашлар раислари ҳамда партия ходимлари яқиндан кўмак бердилар.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Уч кун давом этган акцияда воҳодаги давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда юзлаб кўнгилли фўқаролар бир-



айниқса, ёшлар ва зиёлиларни бемор болажонлар қалбига қувонч улаштириш, уларга соғлом ҳаёт бахш этиш ғояси атрафида ижтислаштирди. Халқроқ меъёрларда ҳам айнан ихтиёрий ва бегараз донорлик тизими ҳавфсиз тиббий захирани шакллантиришининг энг самарали йўли сифатида эътироф этилади. Шу мақсадда, партиянинг Тошкент шаҳар ҳудудий кенгаши томонидан Тошкент шаҳар Қон препаратларини тайёрлаш илмий маркази ҳамда "Абу Сахий" савдо марказида кенг қамровли бегараз донорлик тадбирлари ўтказилди.

Мазкур ташаббус фўқароларимизнинг меҳр-мурувват, бағрикенглик ва инсонпарварлик каби юксак фазилатларини яна бир бор намоеён этди. Эро, бегараз донорлик нафақат савобли амал, балки инсон ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қиладиган энг улугъ эзгу ишлардан биридир.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Хайрия акциясининг Фарғона вилоятидаги тадбирлари шифокорларнинг ҳаётий таҳлиллари ва тиббий эҳтиёжлар асосида бошланди. Вилоят Қон кўйиш маркази бўлим мудири Санжар Мирза-

дамлик намунасини кўрсатдилар. Тадбирда тиббиёт соҳаси вакилларидан вилоят Кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали жамоалари биринчилардан бўлиб донорлик қилдилар.

Шунингдек, акцияда Ички ишлар ва Қўриқлаш бошқармалари шахсий таркиби, Миллий гвардия, Марказий банк, Молия ва Электр тармоқлари, Маҳаллалар уюшмаси бошқармаси ва маҳалла фаоллари, Вилоят болалар сил касалликлари санаторияси ходимлари уюшқоқлик билан иштирок этидилар.

– Бемор болажонларнинг соғлигини тиклашга оз бўлса-да ҳисса қўшаётган хурсандман. Донорлик – инсон ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қиладиган савобли ва шарафли амал. Муҳтожларга ёрдам бериш ҳар биримиз учун муҳим фўқаролик бурчидир, – деди вилоят ИИБ ходими Давронбек Жалолов.

Тадбир давомиде юзлаб кўнгилли донорлардан йилгиланган қон компонентлари захираси Хоразм вилояти болалар шифохонасининг Гематология бўлимига етказиб берилиши белгиланди.

ШУНИ ФАХР ВА ИШОНЧ БИЛАН АЙТА ОЛАМИЗКИ, "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ КЕНГ КЎЛАМДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ "БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!" КЎНГИЛЛИ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЎЗИГА ХОС ВОКЕЛИККА, ХАЛҚИМИЗГА ХОС БЎЛГАН САХОВАТ, ЭЗГУЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛАНДИ. ЗЕР БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ. УЧ КУН МОБАЙНИДА ТОПШИРИЛГАН 2 775 ЛИТР ҚОН (!) ҚАНЧАНДАН-ҚАНЧА БЕМОР БОЛАЖОНЛАР, УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ, ЯҚИНЛАРИ УЧУН ҚУВОНЧ, ШОДЛИК, ХАЙРАТ, ВА, ЭНГ МУҲИМИ, ҲАЁТ ОЛИБ КЕЛАДИ. ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН АКЦИЯДАН КЎЗЛАНГАН АСП МАҚСАД-МУДДАО ҲАМ АСЛИ ШУ-КУ АХИР...

Ҳудудий кенгашларнинг матбуот хизматлари хабарлари асосида тайёрланди

# МАҚСАД – МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИБ, УЛАРГА АДОЛАТЛИ ВА ТЕЗКОР ЕЧИМ ТОПИШ

“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳудудларда ўрганишларни кенг қамровли, изчил ва самарали ўтказмоқдалар. Навбатдаги ўрганишларда таълим муассасаларидаги шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратилди, шунингдек, аҳоли муурожаатлари ўрганилиб, тегишли масъуллар билан ҳамкорликда қисқа муддатларда уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Диққатга сазовор томони шундаки, халқ вакилларининг жойлардаги ўрганишлари, фуқаролар билан бевосита мулоқотлари ислохотларнинг ҳаётлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.



## САЙЁР ҚАБУЛДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова Андижон вилояти Жалакудук тумани Халқ қабулхонасида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказди.

Тадбир аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларни жойида ўрганиш, фуқаролар билан очик мулоқот қилиш ҳамда муурожаатларга амалий ечим топишга қаратилди.

Қабул давомида 15 нафар фуқаронинг турли ижтимоий масалалар, хусусан, моддий ёрдам, тиббий кўмак ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ муурожаатлари тингланди.

Муурожаатларнинг ҳар бири атрофлича ўрганилиб, тегишли масъуллар билан ҳамкорликда уларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, тумандаги “Қорағул” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, I гуруҳ ногирони Зухриддин Қаламоҳунов даволаниш ва бир марталик моддий ёрдам масаласида муурожаат қилди.

Мазкур муурожаат жойида ўрганилиб, фуқаронинг хоҳишига кўра, уни 1 июндан бошлаб шифохонага ётқизиш режалаштирилди. Шу билан бирга, унга бир марталик моддий ёрдам ҳам

кўрсатилди. Шунингдек, “Қадақсин” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Барчиной Эргашева ҳамда “Бойчеки” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Моҳларой Хошимовага ҳам бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Депутат “Шархончека” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли билан учрашди. Суҳбат чоғида маҳалла аҳолисининг турмуш шароити, бандлиги ҳамда оилавий тадбиркорлик фаолияти атрофлича ўрганилди.

Жумладан, депутат фуқаро Х.Сайфуллоев хонадонида бўлиб, унинг кўп тармоқли тадбиркорлик фаолияти билан танишди. Хонадон эгаси асаларичилик, деҳқончилик ҳамда чорвачилик йўналишларида самарали меҳнат қилаётгани маълум бўлди. Бундай фаолият оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, маҳаллада тадбиркорлик ва меҳнат маданиятини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Учрашув сўнггида фуқаролар билдирган муурожаат ва таклифлар тегишли тартибда қайд этилди ҳамда уларни ҳал қилиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар белгиланди.



## МАРҒИЛОНЛИК ОТАХОННИНГ МУРОЖААТИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Манзура Салимова Марғилон шаҳри аҳолиси билан мулоқот қилди.

Учрашув чоғида Адҳам Ғофуров оёқларидаги оғриқ туфайли мустақил ҳаракатланишда қийнаётганини билдириб, тиббий ёрдам ҳамда дори-дармон билан таъминлаш юзасидан муурожаат қилган эди.

Депутатнинг ташаббуси ва кўрилган чоралар натижасида отахоннинг хонадонига малакали шифокорлар – невропатолог ва оилавий шифокор этиб борди.

Мутасаддислар жойида тиббий кўрик ўтказиб, беморнинг аҳволини баҳолашди.

Шу тариқа отахоннинг дардига шифо топиш, зарур тиббий муолажалар ва дори-дармон таъминотини йўлга қўйиш мақсадида дастлабки қадам қўйилди.

Марғилондаги ушбу ҳолат халқ билан мулоқот, манзилли кўмак ва депутатлик назоратининг амалий самарасини яна бир бор намоён этди.

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАДАНИЯТ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Ойдин Абдуллаева Янгийўл шаҳрида жойлашган Тошкент вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаби фаолияти билан танишди.

Таълим муассасаси 400 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда икки йиллик ўрта махсус таълим йўлга қўйилган. Мактаб биноси сўнгги марта 1999 йилда таъмирланган. Ўрганиш чоғида таълим жараёни учун мусиқа қолғулари етишмас-

лиги, нота адабиёти, ўқув ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш даражаси талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Айрим жиҳоз ва анжомлар “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида жамоатчилик иштирокида харид қилинган маълум бўлди.

Шунга қарамай, педагоглар жамоаси таълим сифатини юқори даражада сақлаб келмоқда. Бир ўқув йили давомида 100 га яқин концерт дастури тайёрланиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилган. Ўқувчи-

лар республика ва халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Шу билан бирга, депутат томонидан муассасага қарашли ётоқхона жиддий таъмирга муҳтож эканлиги қайд этилди. Канализация тизими ишдан чиққан, жиҳозлар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, янгилашни талаб этмоқда.

Учрашув давомида аниқланган муаммо ва камчиликлар депутат назоратига олинди.



## АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИЖТМОИЙ КЎМАК АМАЛДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Жанибекова Сирдарё вилоятидаги ўрганишлари доирасида аҳоли кайфияти ва маҳаллалардаги ижтимоий муҳит билан яқиндан танишди.

Депутат дастлаб “Наврўзобод”, “Абдурахмон Жомий” ва “Бинокор” маҳаллалари “еттилиги” билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида ҳудудда ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Халқ вакили маҳаллада эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш мақсадида хонадонларда бўлди. Жараёнда оилаларнинг яшаш шароити, муаммолари ва уларни қийнаётган масалалар тингланди.

Депутат томонидан кам таъминланган оилаларга совғалар топширилди.

– Маҳалланинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир оиласи давлатимиз эътиборида. Бизнес мақсадимиз – муаммоларни жойида ўрганиб, уларга адолатли ва тезкор ечим топишдир, – дея таъкидлади депутат Н.Жанибекова.

Жойлардаги бундай очик мулоқотлар аҳолининг давлатга ва эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Фаргона Ихтисослаштирилган санъат мактабида таълим сифати, мавжуд шароитлар ҳамда моддий-техник базанинг ҳолатини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зиёдбек Юнусов томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш жараёнида мактаб биналари, ўқув хоналари ҳамда ўқувчилар учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Таъкидланишича, мазкур таълим муассасаси 2003 йилда капитал таъмирдан чиқарилган бўлиб, бугунги кунга келиб айрим бино ва иншоотларни қайта таъмирлашга эҳтиёж сезилмоқда.

Спорт зали, ўқув хоналари, йўлақлар, мажлислар ва концерт заллари ҳамда ўқувчилар ётоқхонаси капитал таъмирталаб ҳолатда экани аниқланди.

Мутасаддилар томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш, таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда мазкур масалаларни давлат дастурларига киритиш юзасидан мактаб раҳбарияти билан фикр алмашилди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзолари бундан буён ҳам аҳоли муурожаатларини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммоларига аниқ ечим топиш борасидаги ишларини изчил давом эттиради.

## Фракция йиғилиши ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.



Фракция аъзолари бюджет маблағларининг ижтимоий самарасига алоҳида эътибор қаратди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа харажатлари умумий бюджет харажатларининг 47 фоизини ташкил этгани ургуланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари босқичма-босқич модернизация қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Натижада фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати яхшиланиб бораётир.

Депутатлар ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан 43,3 триллион сўм ёки 2024 йилга нисбатан 7,2 триллион сўмга кўп маблағлар ажратилганини партия илгари сураётган "инсон капиталига инвестиция" ва "халқчил тиббиёт" голярига тўла мос келишини эътироф этдилар.



Муҳокамалар давомида бюджетдан етарли маблағлар ажратилишига қарамай, айрим вазирлик ва идоралар томонидан бюджетдан ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирилмагани танқид қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор таклифлар берилди.

Йиғилишда давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатларни белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам обдон муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурага ўқиш бўйича тўлиқ грант ютганда, иш берувчининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши таклиф этилмоқда.



– Мазкур ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган, – дейди фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов. – Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат органлари ва ташкилотларида профессионал ҳамда салоҳиятли кадрлар қатлами шакллантиришга хизмат қилади. Шу сабабли ҳужжатнинг аҳамияти ва долзарблигини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Фракция йиғилишида кун тартибидеги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири, партиямиз фаоли, кўп йиллар газетамизнинг вилоят муҳбири сифатида фаолият юритган Муқимбой ИСМОИЛОВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



# ЕВРОПА (ШЕҲАРНИНГ МАҚОЛА) ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Саодат СОДИҚОВА,  
журналист

### GERMANIYA: MEХНАТНИНГ ҚУДРАТИ

Германияга келгач, бу мамлакатнинг қудрати нимада эканини дарҳол ҳис қилиш мумкин. Бу ерда ҳар бир нарса аниқ режа асосида ишлайди. Поездлар кечикмайди, кўчалар озода, одамлар эса вақтига жуда масъул.

Бизга ҳамроҳлик қилган "гид"нинг айтишича, германияликлар камгап, аммо ишончли халқ. Агар ваъда берса, албатта бажаради. Сиз билан кўлни маҳкам сиқиб хайрлашдими, демак, улар сизга ишонди ва сиз уларга ёқиб қолгансиз. Сезилгани, улар учун меҳнат – ҳаётнинг асосий қадриятларидан бири. Машҳур немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте: "Билмоқнинг ўзи етарли эмас – уни қўллаш керак. Истақнинг ўзи етарли эмас – ҳаракат қилиш керак", деган эди. Бу сўзлар немис халқининг бутун руҳиятини ифодалайди.

Балким шунинг учун ҳам Германия бугун Европа Иттифоқининг энг йирик иқтисодиёти ҳисобланади. Мамлакат ялли ички маҳсулоти 4,5 триллион доллардан ошади. Mercedes-Benz, BMW, Siemens, Volkswagen каби брендлар ортда айнан шу меҳнат маданияти турибди.

Иккинчи жаҳон урушида бутунлай вайрон бўлган Германиянинг қисқа вақт ичида яна Европанинг энг кучли иқтисодиётига айланиши ҳам айнан шу характер билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Тарихда бу жараён "немис иқтисодий мўъжизаси" деб аталади. 1950–1960 йилларда мамлакат саноатни тиклаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва касб-хунар таълимига катта сармоя киритди.

Мюнхендаги Мариянплац майдонида ёки Нойшванштайн қасри олдида турганимда, Германиянинг икки қиёфаси кўз олдимда гавдаланди: бири – эртақларга ўхшаш тарихий мамлакат, иккинчиси эса замонавий технология ва саноат маркази. Бу иккиси бир-бирига ҳалақит бермайди. Аксинча, бири иккинчисини бойлатади.

Германияда 6 мингдан ортиқ музей бор. Бу рақамнинг ўзиёқ мамлакат маданиятга қандай аҳамият беришини кўрсатади. Театрлар, опера бинолари, кутубхоналар ҳамisha гавжум. Бу ерда маданият вақт ўтказиш учун эмас, инсонни тарбиялаш учун керак деб ҳисобланади.

Мамлакатдаги "дуал таълим" тизими бизниқига ўхшайди. Бу ерда ҳам ёшлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Натижада университетни тугатган пайтдаёқ мутахассис тайёр бўлади. Ўзбекистон ҳам охириги йилларда айнан шу тажрибани қўллаб келатганидан янаям қувониб кетдим.



### ШВЕЙЦАРИЯ: ИШОНЧГА ҚУРИЛГАН ЖАМИЯТ

Швейцарияга келгач, инсон аввало бу ердаги тартиб ва ишонч ҳис қилади. Кўчалар жуда озода, одамлар сокин ва камгап. Бу мамлакатнинг энг катта бойлиги йирик банклар ёки виқорли тоғлар эмас, балки одамларнинг бир-бирига ишончидир.

Бир қишлоқда сотувчисиз дўконни кўрдим. "Виждон дўкони"да одамлар маҳсулотни олади ва пулни ўзи қолдириб кетади. Ҳеч ким назорат қилмайди. Бу ҳолат аввал менга гаёриоддий туюлди. Кейин эса тушундим: жамият қўнун билан эмас, аввало ишонч билан яшар экан.

Машҳур швейцариялик педагог Иоганн Песталоцци: "Таълимнинг максуди инсонни яхши инсон қилишдир", деган. Балки шунинг учун ҳам Швейцарияда таълим фақат билим бериш эмас, балки масъулият ва ҳалоллиқни ўргатишга ҳам қаратилган.

Швейцария аҳоли жон бошига даромад бўйича дунёдаги энг бой мамлакатлардан бири. Бу ерда ишсизлик даражаси паст, тиббиёт ва таълим тизими эса дунёдаги энг кучлилардан ҳисобланади. Аммо, менимча, мамлакатнинг муваффақиятининг асосий сири – ҳар бир инсон ўз вазифасини ҳалол бажаришида.

Швейцария иқтисодиётини кучли қилган жиҳат – мамлакатнинг табиий бойликларга эмас, инсон капиталига таяниши. Бу давлатда тоғлардан кўра кўпроқ ақл ва билим қадрланади. Шунинг учун банк тизими, фармацевтика, аниқ технологиялар ва таълим соҳалари ривожланган.

Лаутербруннен водийси, Рейн шаршараси ёки Цюрих кўчаларида юракданман, табиат ва инсон қўли билан яратилган тартиб қандай уйғунлашганини ҳис қилдим. Швейцарияда инсон табиатни забт этмайди, балки у билан бирга яшашни ўрганади.

Лекин биз, сайёҳлар билан боғлиқ юзага келган кичик бир ҳолат кўнгилда бироз иккиланашларни юзага келтирди.

Гап шундаки, биз тунаб қолган меҳмонхона бир оилага тегишли эди. Табиийки, кундузи сайр қилиб қайтган биз, сайёҳлар кечга бориб, бир-биримиз билан таассуротларимизни бўлишишга ошиқдик. Ва бунинг учун майдон сифатида унчалик катта бўлмаган меҳмонхонанинг ўзига мос ошхонасида бўлиш керак деб уйладик. Ваҳоланки, бошқа жой ҳам йўқ эди.

Меҳмонхона эгаси ошонани эрта тонгдаги нонушта учун тозалаб, ул-бул тайёргарлигини кўраётган экан. Ўзингиз биласиз, 10 дан ошиқ ўзбекистонликлар суҳбатни албатта бир пиёла чой устида қуришни яхши кўради. Хуллас, ўзимиз еган-ичганларимизни йиғиштириб, ошонани тозалаб қўйишимизни айтиб, меҳ-

монхона эгасидан "мажбурий-ихтиёрӣй" руҳсат олдик. Бу ўтиришимиз "соат 21.00 дан ошмасин" деб ўз иши билан кетган тадбиркор белгиланган вақтда ханузгача мижозлар ўтирганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди, шекилли, асабийлашгандек кириб-чиқиб юрарди. Кейин ваъда берганимиздек, йиғиштирдик, тозаладик ва биздан чиққан ахлатларни ташлашга чиқиндиҳоналарни излай бошладик. Шунда билдик: чиқинди ташланганидан кути тор йўллар ва виқорли тоғлар бўйида жойлашган экан. Ўзингиз тасаввур қилинг: кечқурун зим-зим кўча, бир томонимиз ҳайбатли тоғ ва ўрмон, меҳмонхона ва тоғлар ўртасида торгина йўллар ўтган. Чироқ деярли йўқ. Шу ҳолатда орамизда 16 яшар қиз меҳмонхона эгасидан "Чиқиндини ҳозирча эшикни олдига қўйиб турса, тонг отиши билан қутига ташласа бўладими?" деб сўради. Нима деб ўйлайсиз, тадбиркор нима деди?

"Мутлоқ йўқ. Чиқасан, кўчанинг нариги томонида турган қутига бориб ҳозироқ ташлайсан" дея кескин-кескин жавоб берди.

Томоғимда нимадир тикилгандек бўлди. Бир томонда ҳам ёш, ҳам қиз бола, ҳам мусофир, ҳам мижоз, ҳам қоронғу тун эканлигига қарамаган меҳмонхона эгаси, иккинчи томонда "ваъдага асосан 21.00 да ўрнидан турмаган биз, ўзбекистонликлар" ... Бир-биримиздан урганадиган жиҳатлар кўпчилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

### FRANCIYA:

### МАДАНИЯТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ

Парижга келгач, менда шундай таассурот қолди: бу шаҳарда одамлар нафақат яшайди, балки ҳаётдан завқланишни ҳам билади. Эйфель минораси, Лувр, Нотр-Дам, Елисей майдонлари – буларнинг ҳар бири ҳақида юзлаб марта зикрланган. Аммо уларни ўз кўзингиз билан кўриш бутунлай бошқа ҳис.

Французлар эркин фикрлайдиган, ўз қаршига эга халқ. Улар учун маданият, китоб, театр ва баҳс-мунозара ҳаётнинг муҳим қисми. Парижда музейга бориш ёки спектакль томоша қилиш байрам эмас, оддий кундалик ҳолат.

Машҳур француз файласуфи Вольтер: "Мен сизнинг фикрингизга қўшилмаслигим мумкин, аммо уни айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қиламан", деган эди. Бу сўзлар француз халқининг руҳиятини жуда аниқ ифодалайди. 1789 йилги Француз инқилоби нафақат Франция, балки бутун Европа тарихини ўзгартирган. Айнан шу даврдан кейин "эркинлик, тенглик ва биродарлик" гоёси француз жамиятининг асосига айланган. Бугун Францияда таълим, илм-фан ва маданиятга катта маблағ сарфланиши ҳам ана шу қадриятлар билан боғлиқ.

Франция бугун ҳам Европанинг энг кучли иқтисодиётларидан бири. Airbus самолётлари, юқори тезликдаги поездлар, атом энергетикаси – буларнинг барчаси мамлакатнинг илм-фан ва технологияга қанчалик таянишини кўрсатади. Бироқ французларнинг энг кучли томони, менимча, уларнинг гўзаллик ва маънони ҳамisha бирга кўра олишидадир.



Тўққиз кунлик сафардан кейин мен Европада фақат суратлар ёки эсдаликлар билан қайтмадим. Мен у ердан бир муҳим хулоса билан қайтдим: ривожланган мамлакатлар, аввало, ривожланган оdatлардан, меҳнатга муносабатдан ва жамиятдаги ўзаро ишончдан бошланар экан. Тартиб, вақтни қадрлаш, таълимга эътибор, маданиятга муҳаббат – булар катта шиорлар эмас, балки ҳар қуни такрорланадиган оддий оdatларга айланиши лозим.

Европа давлатларида кўрганим мени бир ҳақиқатга янада ишонтирди: ҳар бир халқнинг кучи, аввало, унинг характерида. Австриядаги интизом, Германиядаги меҳнатсеварлик, Швейцариядаги ишонч, Франциядаги эркин фикр, Италиядаги ҳаётсеварлик, Словакиядаги камтарлик – буларнинг барчаси асрлар давомида шаклланган миллий фазилатлардир.

Биз ўзбекларда ҳам ана шундай кучли фазилатлар бор. Биз меҳнатдан қочмаймиз, оила ва инсон қадрини юқори қўямиз, меҳмондўстлик ва бағрикенгликни муқаддас деб биламиз. Энг муҳими, халқимизда янгиликка интилиш, ўрганиш ва ўзгаришга тайёрлик бор. Бугун юртимизда яратилаётган имкониятлар, очиқлик сиёсати, таълим ва тадбиркорликка берилаётган эътибор ана шу салоҳиятни янада қучайтирмоқда.

Шунинг учун Европа сафаридан қайтар эканман, менда ҳавасдан кўра кўпроқ ишонч пайдо бўлди. Чунки биз бошқа халқлардан кам эмасмиз. Бизда ҳам буюқ тарих, бой маданият ва кучли инсонлар бор. Фақат дунёдан энг яхши тажрибаларни ўрганиб, ўз миллий қадриятларимиз билан уйғунлаштири оласак, Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида янада қатъий ишонч билан гапира оламиз, деб ўйлайман.

Муносабат



# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ

## қўллаб-қувватлашнинг янги босқичи

Давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашуви нафақат ижод аҳли, балки мамлакат тараққиётига бефарқ бўлмаган кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Учрашувда билдирилган ташаббуслар ва белгиланган вазифалар маданият ҳамда санъатга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасида янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг**  
**Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар**  
**масалалари қўмитаси раиси ўринбосари,**  
**“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

– Қайси миллатнинг адабиёти бой, мусиқаси юракка яқин, театри ҳаётий, киноси таъсирчан, санъати жозибador бўлса, ўша халқнинг овози дунёда баланд эшитилади, – деди Президент.

Бугунги кунда дунёда иқтисодий ва сиёсий рақобат билан бир қаторда маънавий таъсир учун ҳам кураш кучаймоқда. Ахборот оқимлари, ижтимоий тармоқлар ва турли мафкуравий таъсирлар шароитида халқнинг маънавий таянчи бўлган адабиёт, театр, кино ва мусиқанинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари маданият ва санъатни жамият тараққиётининг муҳим омилли сифатида баҳоламоқда.

Учрашувда эълон қилинган энг муҳим янгиликлардан бири – ижодкорларни рағбатлантириш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилаётганидир. Театр, кино, мусиқа, рақс, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилиши истеъодларни эрта аниқлаш ва уларни тизимли тарбиялаш имконини беради.

Алоҳида эътиборга молик жиҳат шундаки, давлат фақатгина танлов ўтказиш ёки муносабат бериш билан чекланиб қол-

маяпти. Истеъодли ёшларнинг халқаро фестиваллар ва танловларда иштирок этишини таъминлаш, уларнинг харажатларини қоплаш, хорижда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш каби чоралар ҳам назарда тутилган. Бу эса миллий маданиятнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Маданият ва санъат аҳлининг ижтимоий ҳимоясига оид қарорлар ҳам диққатга сазовор. Ипотека тўловларини қоплаш, ижара харажатларига компенсация бериш, тиббий суғурта ва даволаниш имкониятларини кенгайтириш ижодкорнинг фақат ижод билан шуғулланиши учун қўлай муҳит яратишга қаратилган муҳим қадамлардир.

Учрашувда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилгани ҳам жуда муҳим. Чунки ҳар қандай асар, кўшиқ, спектакль ёки китоб, аввало, унинг муаллифига мансуб интеллектуал мулк ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши ижодкорларнинг меҳнати муносиб қадрланишига ва янги асарлар яратилишига туртки беради.

Композитор ва бастакорларга ҳар йили опера, симфония ва бошқа йирик мусиқий жанрлар

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Давлатни иқтисод кўтаради,  
қонун бошқаради,  
армия ҳимоя қилади.

Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажаги мустаҳкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетни кучли бўлади.

бўйича камида 20 та янги асар яратиш учун давлат буюртмаси берилиши ҳақидаги ташаббус алоҳида аҳамиятга эга. Бу жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган амалиётдир. Чунки йирик мусиқий асарларни яратиш катта ақлий меҳнат, вақт ва маблағ талаб қилади. Давлат буюртмаси эса миллий композиторлик мактабини ривожлантириш ва янги асарлар фондиди бойитиш имконини беради.

Адабиёт соҳасида ҳам шоир ва ёзувчилар учун ижодий буюртмалар жорий этилиши, ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет давлатларда тақдим этиш режалари миллий адабиётимизнинг халқаро танилишига хизмат қилади.

Креатив иқтисодий ривожлантиришга қаратилган вазифалар ҳам замон талабларига мосдир. Бугун дунёда кино, мусиқа, дизайн, рақамли контент ва бошқа ижодий индустриялар миллиардлар долларлик иқтисодий қиймат яратмоқда. Шу боис маданият ва санъатни фақат маънавий эмас, балки иқтисодий ресурс си-

фатида ҳам кўриш долзарб масалага айланди.

Маданият ва санъат таълим йўналишида белгиланган вазифалар ҳам келажак учун муҳим аҳамиятга эга. Мактабларда санъат таълимининг янги дастурлар асосида ташкил этилиши, мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, ёшларни миллий чолғуларга жалб қилиш бўйича чоралар миллий маданиятнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Умуман олганда, мазкур учрашув маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли дастурнинг бошланishi сифатида ўз ифода-сини топди. Энг муҳими, бу ташаббуслар инсон капиталига, миллий ўзликни англашга ва жамият маънавиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Агар белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилса, улар нафақат маданият ва санъат соҳасига, балки мамлакатнинг умумий миллий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз.

# ПАРТИЯМИЗ ҲАҚИДА

## ЮКСАК ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Шуҳрат” медали соҳиби, адиб, шоир, драматург, сценарийнавис, таржимон, “Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари, партия фаоли Абдуқайом Турғунбоевич Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан юксак давлат мукофоти — “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ордени билан тақдирланди.

Абдуқайом Турғунбоевичнинг кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юксак интеллектуал салоҳияти ва бетакор истеъодли халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий адабиёт ва маданиятимишни бойитиш, мамлакатимизда санъат ва ижод соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Адибнинг асрий қадриятларимиз ва бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, Янги Ўзбекистон гоёларини кенг тарғиб этиш, жамиятимизда эзгулик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлидаги фидо-корона меҳнатлари алоҳида эътирофга лойиқ.

Маълумот учун: Абдуқайом Турғунбоевич жаҳон адабиётининг машҳур намоёндалари — Рэй Бредбери, Агата Кристи, Фредрик Браун, Эдгар По ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.

Адибнинг “Бир тун ва бир умр”, “Алвидо, гўзаллик”, “Банқир”, “Қатта ўйин”, “Пуанкаре”, “Ҳали вақт бор”, “Дарё” каби қатор асарлари китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Шунингдек, у “Кичкина одамлар”, “Уқубат”, “Иқтидор”, “Виждон”, “Қадамлар”, “Ногоҳ”, “Бурч ва муҳаббат”, “Устюртга йўл” бадиий фильмлари ҳамда “Ҳаёт жилга-лари”, “Синов”, “Одамлар орасида”, “Она дарё” телесериаллари сценарийлари муаллифи сифатида ҳам кенг жамоатчиликка яхши таниш.

Ҳурматли Абдуқайом Турғунбоевич! Сизни юксак давлат мукофоти билан чин қалбдан қутлаб, мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, ижодий баркамоллик ва келгуси фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши



– Менга тегишли бўлган ягона бойлик – бу ҳаётимдир. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Бу бойлик жуда қимматли, ҳар бир чиққатган нафас ҳеч қачон қайтиб келмайди ва нафаслар санокли, камайиб бораверади”.

Шундай экан, бу кунни қўлдан бой бермаслик ва бахтга эришиш учун ишлатмасликдан кўра каттароқ зарар бўлармиди?

Имом ҲАЗЗОЛИЙ

### Тафаккур

Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ, ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир.

Амир ТЕМУР

Агар кўп сўзлашлик фойдали бўлганида эди, икки оғзинг ва бир қулоғинг бўлар эди.

Шу сабаб кўп эшитиб, оз сўзлаш керак. Агар жим бўлсанг, сўзлашинг яна ҳам ойдин ва таъсирли бўлади. Зеро, сукутда ҳам жимликнинг нури, ҳамда сўзлашувнинг фойдаси яширин...

Шамс ТАБРИЗИЙ

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур.

Фаридиддин АТТОР

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тугиб дил.

Маҳмуд КОШҒАРИЙ

Фақат фойдаси тегадиган илми олиш керак, фойдасиз фазилатдан қочмоқ ва фақат зарур нарсага қулоқ очмоқ лозим.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади.

Абдурауф ФИТРАТ

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас.

МАШРАБ



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!